ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

ФАРҒОНА - 2016

- оптимальное усвоение важнейших понятий, законов, теорий науки, необходимых для понимания сущности процессов развития природы, общества, человека, о чём мы констатировали выше;

- устойчивое, осознанное личностное отношение к изучаемому материалу, его научно-мировоззренческому содержанию;

- личностный и культурологический подход к явлениям социально-политической жизни;

- направленность к осуществлению идей независимости, самостоятельности;

- нравственные и эстетические ценности общества.

Успех формирования научного мировоззрения студентов обеспечивается гармоничным сочетанием интеллектуального, эмоционально-волевого и действенно-практического факторов. Реализация в процессе непрерывного образования определенной соподчиненности и взаимосвязи ведущих идей и понятий научно-мировоззренческого характера-необходимое условие эффективности выработки взглядов, убеждений и идеалов будущего учителя. Процесс «перевода» научных знаний в убеждения тесно связан со становлением общей направленности личности, т.е. системы её отношений к действительности в процессе разнообразной профессиональной деятельности и общения.

Формирование у студента научных представлений и понятий зависит от высокого теоретического и методологического уровня преподавателя вуза. Руководствуясь принципом научности, преподаватель может успешно формировать у будущего учителя умение анализировать, синтезировать, систематизировать и обобщать изучаемый материал. Именно тогда методологическая культура будущего учителя оказывается не результатом её замкнутого интеллектуального совершенствования, а превращается в способ практического действия и отношения на уровне «субъект-субъект». Практика же становится невозможной вне интеллектуального и вне культурного образования специалиста.

Таким образом, дидактические принципы непрерывности, преемственности и научности реализуются, прежде всего, при составлении учебных программ и учебников по педагогике непрерывного образования. Об этом особо было отмечено в «Национальной программе по подготовке кадров». Систематизация знаний по педагогике непрерывного образования вокруг фундаментальных идей Национальной программы помогает студентам полнее усваивать и лучше осмыслива весь комплекс изучаемых явлений и законов, устанавливать взаимосвязь и отношения между ними, самостоятельно применять методологические знания при решении конкретных профессионально-педагогических задач.

ТАЛАБА-ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Сиддиқов Б., Омонов Ш.
Фарғона давлат университети

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг педагогик таъминлаш манфаатлари билимли ва юксак фазилатларни чуқур эътиқод билан намоён қилишга тайёр шахсни шакллантиришни тақозо қилади. Бу эса Ўзбекистонда жаҳон ва Марказий Осиё педагогикасида янги илмий-педагогик назария - миллий-замонавий характерига эга шахсни тарбиялаш модели шакллана бошлаганлигини кўрсатади. Демак, ижтимоий педагогика назариясида янги, долзарб масалаларни тадқиқ этиш ва ҳал қилиш зарур. Хусусан, миллий мафкуравий ишлар педагогикаси, диний ақидапарастликка қарши қудратли ғоявий тарбия тизими ишлаб чиқилиши керак. Бу жамиятнинг ўзаги –

маҳаллада ғоявий бирликни юзага келтириб, талабаларда ёт мафкураларга қарши кучли иммунитетни ҳосил қилади. Маълумки, ҳар қандай мафкуравий маълумот зарра-зарра шаклида бўлиб, унинг йиғилиши, тўпланиши ўзига хос муносабатни вужудга келтиради ва уларда намоён бўлади.

Миллий мафкура – оилада ғоявий тарбиянинг муҳим назарий негизидир. Мафкуравий тарбия ҳақида гап кетар экан, Президентимиз "Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавобларида айтганларидек, энг аввало, бу ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий масала эканлигини англашимиз керак. Шу боис мамлакатимиз раҳбари "миллий мафкурани тепадан туриб яратиб ва ҳаётга жорий этиб бўлмаслиги, бу ниҳоятда принципиал масала" эканлигини таъкидладилар. Қолаверса, мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас. Бу узлуксиз жараён бўлиб, ҳаёт давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли мафкуранинг олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам вужудга келаверади. Яъни, оилаларда миллат манфаатларига жавоб берадиган, тинимсиз ўзгариш ва янгиланишни тақозо этадиган миллий мафкурани яратиш учун мунтазам педагогик иш олиб бориш зарур.

Оммавий ахборот воситалари, айниқса, кўнгилочар, ёшлар нашрлари талабалар орасида кенг ғоявий таъсир кучига эга. Уларда талабаларнинг севимли санъаткорлари ("кумирлари" – улар орзусидаги идеал шахслар) билан суҳбатлар бериб борилади. Бироқ баъзи ҳолларда улар томонидан миллий-маънавий қадриятларимизга мос келмайдиган қарашлар, ғоялар ҳам айтилади. Бу эса талабаларнинг шаклланаётган ғоявий дунёсига нотўғри хулосаларнинг кириб қолишига сабаб бўлади.

XXI аср ёшлари мураккаб ғоявий омиллар ва уларнинг тўқнашувлари шароитида ўсмоқда. Телевизион каналларнинг кўпайиши, кабель телевидениесининг ривожланиши, уларнинг янгидан-янги имкониятлари, видеотехника, компьютер ва интернет болаларнинг ўқишга ажратилиши лозим бўлган вақтини эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" ги Қонунининг 30-моддасида "вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда унинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар олиши учун жавобгардир" деб белгилаб қўйилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 3-боб 2-бандида таълим олувчининг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифа ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу эса оила - жамоатчилик ҳамкорлиги бугунги куннинг зарурати эканлигини билдиради.

Маълумки, ҳар қандай касалликни олдини олиш, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. "Биз ҳам деган эди И.А.Каримов, фарзандларимизни она ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шундагина жоҳил ақидапарастларнинг "даъвати" ҳам ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди".

Мафкуравий таълимнинг мақсади ёшлар қалби ва онгига мафкуравий ғояларни таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали сингдиришдир. Ана шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда кенг кўламда ташкилий-педагогик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

- мамлакатимизнинг таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий мафкура ғояларини сингдиришнинг табақалаштирилган педагогик-психологик дастури яратилди ва амалга оширилмоқда;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий гояни шакллантириш ишлари узлуксиз тарзда олиб борилмоқда;

Ана шу вазифаларни амалий жиҳатдан ҳал қилиш учун мактабгача, умумий таълим, ўрта махсус, олий таълим муассасаларида мафкуравий таълим концепциялари ишлаб чиқилди;

- узлуксиз таълим муассасалари ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларда миллий ғояларни теран акс эттирила бошланди;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий таълим-тарбияни бугунги талаб даражасига кўтариш учун таълим муассасаларида директор, ректорнинг биринчи ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ПҚ-451 сонли қарорида таъкидланганидек, "Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда".

Мазкур қарорда кўрсатилишича, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаларидан бири сифатида фуқароларнинг қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишига, турли маънавий тажаввузларга қарши собит тура олишга қодир, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кўрсатилади.

Талаба-ёшларда мафкуравий таълимнинг самарали натижалар бериши кўп жиҳатдан, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини савиясига, уларни бу фаолиятга тайёрлаш билим ва маҳоратларини ошириш тизими билан бевосита боғлиқ. Бу борада кўп қиррали ташкилий-педагогик тадбирлар махсус машғулотлар, тренинглар, илмий анжуманлар, учрашувлар уюштирилишига қарамай бўлажак ўқитувчиларни ўқувчилар мафкуравий таълимига услубий тайёрлаш асослари ўз тадқиқини кутмоқда. Университет ва педагогика институтлари педагогика кафедралари бу борада жиддий илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМИДА ШЕЪРИЯТНИНГ ЎРНИ

Сиддиқова М.
Фарғона давлат университети

Ўзбек болалар адабиёти кейинги юз йилликда, яъни махсус адабиёт сифатида тасниф қилиб келинаётганидан бери ўзининг шўх –ўйноқи, хажвий-юмористик руҳга бойлиги, тарбиявий–дидактиклиги билан долзарблик касб этиб келмоқда. Унинг олдига болани она Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни илму маърифатли ҳамда қалбида табиатга раҳм-шафқатли қилиб тарбиялашни ҳам қўшиш орқали болалар адабиётининг бугунги кундаги ўрни қанчалик улкан эканлигини исботлаш мумкин. Айниқса, чет тилларини ўқитиш, болалар шеъриятида турли рамзлар орқали уларда ватанпарварлик ғоясини шакллантириш, болалар шериятининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш орқали таълим мазмунини самарадорлиги оширилади. Чунки, " тарбиянинг эса қуруқдан қуруқ панд – насиҳат тарзида эмас,балки гўзал

Дадабоев Ф.Ф.
Узлуксиз таълим тизимини инсонпарварлаштиришда
маънавий-маърифий ишларнинг роли 35
Закирова Д., Ғаниева Ҳ.
Интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда
ўз-ўзига таъсир этишга ўргатишнинг аҳамияти 37
Ибрагимов Ю., Йўлдашева С.
Чизмачилик дарсларида ўқувчиларнинг ижодкорлик
сифатини оширишда ўқитувчининг роли 38
Иминов Б.Б.
Ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда
таълим муассасаларининг роли 40
Исраилов Н.
Ўзбекистонда таълим жараёни ҳамда болалар ҳаёт тарзини яхшилаш борасида
ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик омиллари (Фарғона вилояти мисолида) 41
Каримов Ў., Турсунов Р.
Ёшлар дунёқарашини юксалтиришда таълим
инновациялари ва ахлоқий тарбиянинг ўрни 43
Махмудова М.
Ёзув ва ўқишдаги турғун камчиликларнинг сабаблари 45
Мавлянова З.Ф., Ким О.А., Рахимова Х.М.
Роль модели андрагогического обучения в развитии концепции дальнейшего
последипломного и непрерывного медицинского образования 46
Махамаджонова М., Нўмонова М.
Бошланғич синф ўқувчисида миллий, умуминсоний қадриятлар тарбияси 49
Мўминов Ж.М.
Талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этиш усуллари ва вазифалари 50
Назарова Б., Собирова З., Жабборова С.
Олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш самарадорлигини
ошириш йўллари 52
Неъматова М.
Ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалалари 54
Норбоев А.Ғ.
География таълимида экологик маълумотлар мазмунига
қўйиладиган психологик талаблар 56
Низамова Н.Н.
Совместная исследовательская работа учителя и ученика
на уроках математики залог развития творческой личности 58
Нематова С.А., Немадалиева Г.М.
Общие подходы повышения качества знаний студентов 60
Охунова Д.Қ., Абдусаматова М.М.
Касб-ҳунар таълими жараёнида Марказий Осиё ҳунармандчилиги
анъаналаридан фойдаланишда “Устоз-шогирд одоби” 61
Рахимов Б.Х., Назарова Б.А.
Воспитание исследовательской компетентности у будущих учителей на
основе креативного подхода в процессе непрерывного образования 63
Сиддиқов Б., Омонов Ш.
Талаба-ёшларда мафкуравий имунитетни мустахкамлашнинг долзарблиги 64
Сиддикова М.
Кичик ёшдаги болалар таълимида шеъриятнинг ўрни 66
Султонова Н., Умарова М.
Ёш авлодни соғлом ва баркамол инсон сифатида тарбиялашда
миллий меросимиз намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти 68